

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2017 йил 14 июль кунинда  
сонинг буйруғи билан  
tasdiqlangan.

Рўйхатга олинди  
№ MD-3-47  
2017 йил

Техноген санъат

Техноген санъати (турлари бўйича), кино-телеоператорлик йўналишлари  
бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

### ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус,  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-усlubий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

201\_\_ йил \_\_ июлдаги \_\_\_ - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида  
жамият ривожини таълим-тарбия масаллари” модули: с.ф.д.,  
проф. И.Эрташев, ф.ф.д., проф. М.М.Қоҳхарова.

“Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг  
конунчилик нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилов, доц.  
ю.ф.н., доц. О.Х.Нарзуллаев.

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик  
компетентлик” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н.  
М.Т.Мирсолиева, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.

“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий,  
касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули: ф-м.ф.н., доц.  
Х.Холматов, катта ўқитувчилар В.Хамидов, М.Файзиёва,  
ўқитувчилар Т.Шаймардонов, А.Обидов.

“Амалий хоржий тил” модули: катта ўқитувчилар  
У.Гиясова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия  
Кенгашининг ётақчи мутахассислари.

“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва  
қарорлар қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф.  
Р.Самаров, пс.ф.н. Х.М.Алимов, ф-м.ф.н., доц. А.З.Каримов.

Махсус фанлар бўйича: ЎзДСМИ профессори А.И.Исмоилов,  
катта ўқитувчи И.М.Меликузиев, ўқитувчи К.Хидирова

Тақризчилар:

Э.Юлдашев - Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Овоз” режиссёрлиги ва кинотелеоператорлик маҳорати”  
кафедраси ўқитувчиси

А.Убайдуллаев – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти “Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги”  
кафедраси профессори

Ўқув дастури Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кенгашининг қарори  
билан тасдиққа тавсия қилинган (2014 йил 5 июлдаги №1/2-сонли баённома).

## Қириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро таърибалар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қароридан белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмунини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хоржий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар нетизиди илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутайди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини, сифатини ва уларнинг тайёрлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хоржий таърибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйилган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

## **I. Олий таълимнинг норматив - ҳуқуқий асослари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига ва таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунийлик нормалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунийлик нормалари.

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Мутахассислик фанларини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенси夫 усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли таҳлил.

## **VI. Махус фанлар**

- 6.1. Овоз режиссерлиги фанларини ўқитишда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.
- 6.2. Рақамли кино-видео аппаратларнинг инновацион имкониятлари
- 6.3. Арт маркетинг.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юқсак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирadi:

“Техноген санъат (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз янгилаш ҳамда ривожлантириш механизмларини яратиш;

- олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган замонавий талабларга мос ҳолда педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махус фанлар соҳасида ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Техноген санъат (турлари бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрларлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- овоз режиссерлиги соҳасидаги янги илмий натижалар, илмий адабиётларни;
- техноген санъат фанларида рўй бераётган инновацияларни;
- замонавий кино ва телевидение операторлиги услуб ва услубийларини;
- замонавий талабдаги машгулотларни яратиш ва олиб бориш мезонларини;
- техноген санъати соҳасидаги фанларни ўқитишда сўнгги йилларда эришилган ютуқларни;
- техноген санъати соҳасидаги фанларни ўқитишда инновацион технологияларни;
- уч ўлчамли кино ва телекамераларни;
- техноген санъатнинг ривожланиш тенденцияларини;
- замонавий овоз режиссерлиги маҳорати ижодий мактабларини;
- овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологияларини;
- аудиотека ва уни шакллантириш услубийтини;

- овоз режиссёрлиги соҳасидаги замонавий техник воситаларни;
- замонавий арт маркетинг эволюцияси ва асосий тамойилларини билиши керак;

#### Тингловчи:

- овоз режиссёрлиги соҳасида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаш;
- сўнгги йилларда овоз режиссёрлигида эришилган ютуқлардан амалиётда фойдаланиш;
- овоз режиссёрлиги соҳаси бўйича хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- овоз режиссёрлиги соҳасидаги модернизация ва ўзгаришларни эгаллаб олиш ҳамда мазмун моҳиятини етказиш;
- овоз режиссёрлиги соҳаси фанларини ўқитиш методикаси инновациялардан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларини ўқитишни инновацион технологиялар билан бойитиш;
- санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлай олиш;
- санъат ва маданият соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### Тингловчи:

- замонавий инновацион мухикий аудиодастурлардан фойдаланиш ва уларни овоз ёзувида қўллаш;
- техноген санъати соҳаси фанларини ўқитишда илгор инновацияларни қўллаш;
- мухикий овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда хорижий мамлакатлар ўқув тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича малакаларига эга бўлиши зарур.

#### Тингловчи:

- овоз режиссёрлиги соҳасида илмий-тадқиқот лойиҳаларини тайёрлаш;
- овоз режиссёрлиги соҳаси фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш;
- овоз режиссёрлиги соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

#### Курс хажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкмаси haftасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тулиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Техноген санъат (турлари бўйича)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

## I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

### 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим–тарбия масалалари.

Мустақил демократик тарақиёт ва жамият ривож. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янги назарий-концептуал тоғлар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини химоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги.(Қўштирноқ ичидаги гап олиб ташланган, Эътибор беринг!) Танқидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

### 1.2. Таълим–тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

Олий ва ўрта махус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги «Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123-сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизimini янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида»ги 342-сонли буйруғи.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиб босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакли, метод ва воситалари.

Шахста йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассимент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информაციон, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали хал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорлигининг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентлиқни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

тўғрисида»ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизimini дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги «Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш хуусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги «Магистратура тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёт тўғрисида»ги Низом. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида»ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом. «Магистратура тўғрисида»ги Низом. «Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом ва бошқа меърий ҳужжатлар.

форматлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Рақамли видео. Видео файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видео ни тахрирлаш. Аудио ва видео ни тахрирлаш дастурлари. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Мутахассислик бўйича маълумотларни Интернет глобал тармоғидан йиғиш ва ишлов бериш.

#### IV. Амалий хорижий тил

##### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот мухити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-V1-V2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одағлари, анъаналари хақида чет тилида гашира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила хақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқини, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

##### 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

Тизимли тахлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли тахлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлили амалга ошириш. Тизимли тахлили амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлили амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлили амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари.

## 2.2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.

Таълим жараёнининг тузилмаси. Машгулот турлари, шакллари. Мусиқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар. Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни тахлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар тахлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Илгор хорижий тахрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти. Мусиқа фанларини ўқитишда "устоз-шогирд" анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Мусиқа санъати фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш.

## III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Spring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари харақтеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Zjyouet.uz таълим портали. Google асбоб усқуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойихалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотта тахлиллар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

### 3.2. Мутахассислик фанларини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш.

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедианинг техник таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл

Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

**5.2. Мафқуравий имунитетни шакллантиришда тизимли таҳлил.**  
Ахборот маънавий ва мафқуравий хавфсизлик асоси. Оммавий маданият,-маданият кулпадаси. Иллагларни кадриятларга айлангириш мазмуни ва унинг Ўзбекистон халқига таҳлиди. Бугунги глобаллашув шароитида маданият соҳаси ходимлари онгида мафқуравий имунитетни шакллантириш муаммолари. Ахборот соҳасида таҳдидлар уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги бугунги кундаги ахборот хавфсизлиги ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳолати. Оммавий, ёт маданиятнинг юртимизга кириб келиши мафқуравий таҳдид сифатида. Бугунги глобаллашув шароитида маданият соҳаси ходимлари онгида мафқуравий имунитетни шакллантириш муаммолари.

## VI. Махсус фанлар

**6.1. Овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.**

Республика ва жаҳон овоз режиссёрлиги мактабида рўй бераётган инновациялар. Замонавий техник таъминот. Таълим жараёнига киритилган машқларда янгиликлар ва уларнинг композицияси. Замонавий овоз режиссёрлиги маҳорати ижодий мактаблари. Мутахассислик фанларидаги ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари. Овоз режиссёрлиги маҳорати фанларини ўқитишда компьютер технологияларининг аҳамияти

Овоз ёзиш ва узатиш мосламаларининг замонавийлашуви. Овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологиялари. Аудиотека ва уни шакллантириш услубиёти. Мўнкий фонограмма ва таъсирчан воситаларининг уйғунлиги. Фонограмма таҳлили ва партитура ўқишдаги янги ютуқлар.

**6.2. Рақамли кино-видео аппаратларининг инновацион имкониятлари.**

Кинотелеоператорлик санъатида замонавий кино-видео техникаларнинг тасвирга олишда қўлланилишида рўй бераётган инновациялар. Замонавий техник таъминот. Кўرғазма куролларининг яратилиш мезонлари ва улардан фойдаланиш услублари. Янги педагогик технологиялар, янги услубларнинг кашф этилиши. Замонавий педагогик технологиялар орқали Кинотелеоператорлик ҳаракати фанларини ўқитишни лойиҳалаш. Кинотелекоператорлик маҳорати йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб бориш кўникмаларини яратиш методикаси.

## 6.3. Арт маркетинг.

Арт маркетингнинг мақсади, вазифалари, назарияси ва амалиётининг эволюцияси. Аудиторияларни таҳлил этиш. "Маркетинг микс" тушунчаси ва функцияси. Стратегик режалаштириш ва стратегик маркетинг жараёнини бошқариш. Маркетинг аудити ва SWOT таҳлили. Маркетинг режасини тadbик этиш. Замонавий арт бозор. Тасвирий санъат асарлари маркетингида

маркетинг миксини шакллантириш. Аудиовизуал индустрия. Аудиовизуал индустрия маркетинги. Музей маркетинги. Музей аудиторияларини тушуниш. Ижро санъати бозорини ўрганиш: томошабинларни таҳлил этиш, бозор сегментацияси, мақсадли бозорларни танлаш, рақобатчилар ва потенциал ҳамкорларни аниқлаш. Маркетинг режалаштириш, маркетинг бюджетини тузиш. Фандрейзинг мазмуни ва мақсадлари. Ҳомийлик бозорлари таҳлили. Фандрейзинг кампаниясини амалга ошириш усуллари.

## VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

## Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, миллий ва хорижий ўқув ҳамда илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларидаги тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларидаги тақдимоти куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- кейслар банки;

- мавзулар бўйича тақдимотлар;

- бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар - электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.).

Электрон ўқув модуллари тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараккиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиши.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

#### Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

#### Адабиётлар:

##### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Юкساء маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажати йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш таътанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган таътанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир рахбар фаолиятининг қундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”, – 2017.– 102б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келагагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

##### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сийсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июлдаги “Олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Қоррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.



7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

### III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. – Т.: 2000. – 218 б.
3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саггаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий таъсиялар). – Т.: “Истеълод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий таъсиялар). – Т.: “Истеълод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
6. Саггаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
8. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
9. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие. – Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000. – 176с.
10. Кандрашин П. Типичные ошибки звукорежиссеров при записи и сведении фонограмм. Учебное пособие. – М., 1999. – 278 б.
11. Николин В. Системы пространственного звучания. Учебное пособие, 2004. – 325 б.
12. Исмаилов А. Кинотелеоператорлик маҳорати. – Т.: 2007. – 284 б.
13. Меликуъиев И. Кўп камераларда тасвирга олиш услублари. – Т., 2014. – 163 б.
14. Хидирова К. Кинотавир технологияси. – Т.: 2015. – 186 б.

2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/)
5. [www.learnenglish teens.britishcouncil.org/](http://www.learnenglish teens.britishcouncil.org/)
7. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
9. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
10. [www.uzdsmimarkaz.uz](http://www.uzdsmimarkaz.uz)

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази

Директор У.Ш.Бегимкулов

“2” август 2017 й.

М.Ў.



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хузуридаги Педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ маркази

Директор О.А.Хасанов

“15” сентябр 2017 й.

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Маданият вазирлиги Таълим муассасалари ва тармоқларни методик таъминлаш бошқармаси

бошлиғи А.Юлдашев

“15” сентябр 2017 й.

М.Ў.

